МОҒОР ЗАМБУРУҒИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Э.Х.Эшбоев[1], Ж.И.Икромов[2]
[1,2]РИДВваКИАТМ, University of Business and Science Наманган шаҳри

DOI: 10.67620/dermajournal.1730032

Моғор замбуруғи хақида суҳбат кетганда унинг патогенлиги тўғрисида қарама-қарши кўп фикрлар пайдо бўлади. Биз ушбу тезис орқали баъзи тортишувларга барҳам беришни мақсад қилиб қўйдик.

Моғор замбуруғи шатли-патоген хусусиятларга эга. Уларнинг айримлари вазиятга қараб тироқларни, терини ва шиллиқ қаватни зарарлаши мумкин. Уларнинг қандай ферментлар ишлаб чиқиши фанга хонузгача ноъмалум. Тирноқ пластинкалари зарарланган холларда моғор замбуруғлари одатда ачитқи замбуруғлари ва дерматомицетлар билан хамкорликда келади.

Моғор замбуруғи тупроқ таркибида, дарахтлар ва ўсимликлар танасида жуда кўплаб учрайди. Дарҳақиқат моғор замбуруғлари оппортонустик инфекциядир. Қулай шаройит туғилдими уларнинг айримлари касаллик чақириши мумкин.

Тирноқ пластинкасининг патоген шатли замбуруғлар билан касалланишида қуйидаги омилларнинг аҳамияти каттадир. Касалликлар сабаб организм қаршилигининг (иммунитет) пасайиши, хомиладорлик, менапауза ёки стресс. Тирноқ пластинкалари травмалари, спорт, кўп пиёда юриш, рақсга тушганда турли хил жарохатлар олиш. Оёқ кийимларнинг тирноқ пластинкасига босим ўтказиш. Оёқ ва товоннинг деформациялари, тирноқлар билан нотўғри ишлаш, уларни чайнаш. Тупроқ ёки озиқ-овқат махсулотлари билан кўп ишлаш, қўлларни хаддан зиёд кўп ювиш, антисептиклардан тез-тез фойдаланиш ва хоказо. Ушбу соҳада изланишлар давом этмоқда.